

**Бош прокуратура Академияси томонидан
2022 йилда амалга оширилган фаолият тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Академия томонидан 2022 йилда **117 та** малака ошириш курси ташкил этилиб, уларда **3 843 нафар** (2 620 нафар прокуратура, 138 нафар Департамент, 338 нафар МИБ, 747 нафар бошқа идоралар) ходим тахсил олди. Курсларнинг **61 таси** тўлиқ масофавий тарзда олиб борилди.

Бошқа орган ва ташкилотлар (*Миллий гвардия, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Давлат тест маркази ва нотариуслар*) ходимларига **19 та** курс ташкил қилиниб (**14 таси** анъанавий, **5 таси** масофавий), уларда **747 нафар** ходим иштирок этди.

Республиканинг барча ҳудудий прокуратуралари ходимлари учун **хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш** масалалари бўйича ўқув курси ўтказилаётган бўлиб, ўтган давр ичида ушбу курсни Андижонда **176** нафар, Бухорода **129** нафар, Қорақалпоғистон Республикасида **155** нафар, Фарғонада **203** нафар, Жиззахда **148** нафар **жами 811 нафар** тингловчи тамомлади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ички ишлар ва Миллий гвардия бошқармалари ҳамда ҳарбий округлар бошқарув аппаратлари **119 нафар** раҳбар кадрлари учун **“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари”** мавзусида малака ошириш курси ўтказилди.

Туман (шаҳар) прокурорлари ўринбосарлари иштирокида **“Ички ишлар органларида қонунчилик ижроси устидан назоратни ташкил этиш”** мавзусидаги махсус курсда **240 нафар** ходим тахсил олди.

Вазирлик ва идораларнинг коррупцияга қарши курашиш ва “комплаенс-назорат” тизимида масъул ходимлари учун **“Коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали идоравий чора-тадбирлар ташкил этилишини таъминлаш”** мавзусида **454 нафар** ходим ўқитилди.

Ходимларнинг ўз билим ва кўникмаларини мустақил равишда ошириб боришига қаратилган **35 та** мавзуда **121 та** электив курс яратилиб, жами **653 нафар** ходим ушбу курсларни муваффақиятли тамомладилар.

2021/2022 ўқув йилидан прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш курсига қабул қилиш танлови ўтказилди.

Мазкур курснинг биринчи босқичида прокуратура тизимидан **200 нафардан ортиқ** номзод иштирок этиб, прокуратура органлари фаолияти йўналишлари ҳамда бошқарув асослари бўйича **2 ойга мўлжалланган** масофавий курсда ўқитилди ва курс якуни бўйича номзоднинг билимларини аниқлаш мақсадида ўқитилган курс предметлари бўйича масофавий имтиҳон ўтказилди.

Белгиланган тартиб талабларига асосан имтиҳон натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган **39 нафар номзод** Комиссия томонидан кейинги босқичда масофавий ўқишга қабул қилинди.

Учинчи босқичга ўта олмаган, бироқ **144 соатдан** иборат курсни тамомлаган **24 нафар тингловчиларга** малака оширганлик тўғрисида сертификатлар берилди.

Уч босқичли танлов якунига кўра **15 нафар тингловчи** прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш курсига қабул қилиниб, таҳсил олди.

Малака оширишга жалб этилган ходимлардан иборат **25** та гуруҳнинг **661** нафар тингловчиси, **110 нафар** магистр, Тошкент вилояти ички ишлар органларининг **60** нафар ходимлари “Прокуратура органлари ходимлари компетентлигининг ривожланишини комплекс, узлуксиз мониторинг қилиш электрон дастури” орқали **диагностикадан** ўтказилди.

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш мақсадида **20 га яқин** семинар, давра суҳбатлари ва бошқа учрашувлар ташкил этилиб, уларда **2 000 нафардан** зиёд яқин давлат хизматчиларининг иштирок этиши таъминланди, **50 га** яқин мақолалар газета ва журналларда ҳамда бошқа илмий нашрларда чоп этилди, интернет тармоқлари ва телевидение орқали **40** дан зиёд марта чиқишлар амалга оширилди.

Академия **магистратурасида** 2022 йилда **4 та** мутахассислик – “Тергов фаолияти”, “Прокурорлик фаолияти”, “Коррупцияга қарши курашиш”, “Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ” йўналишлари бўйича **40 нафар** (19 нафар прокуратура органлари ходимлари ва 21 нафар ташқи номзод) кадр тайёрланди.

Шунингдек, магистратуранинг “Прокурорлик фаолияти” йўналиши бўйича таълимнинг **сиртқи** ўқитиш шакли очилиб, унда **46 нафар** тингловчи масофадан таҳсил олмоқда.

Академия профессор-ўқитувчилари томонидан **152 та** ўқув модули бўйича ўқув-методик мажмуалар, шунингдек **3 та** дарслик, **4 та** илмий-амалий қўлланма, **25 та** ўқув ва ўқув-услубий қўлланма, **9 та** монография, **5 та** илмий-амалий мақолалар тўплами чоп этилди.

Академия хузурида **3 та** ихтисослик бўйича илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш мавжуд бўлиб, шундан 12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура ва 12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар) ихтисосликлари республикада ягона Илмий кенгаш ҳисобланади.

Академияда бугунги кунда **18 нафар** докторант ва **113 нафар** мустақил изланувчи илмий тадқиқот фаолиятини олиб бормоқда.

Тадқиқотчиларнинг **97 нафари** (75,7%) прокуратура органларида хизмат қилмоқда.

2022 йил давомида Илмий кенгашда ихтисосликлар бўйича **10 та** (9 таси юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 1 таси юримдик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган) диссертация иши очиқ ҳимоядан ўтди.

1 нафар ходим профессор ва **7 нафар** ходим доцент илмий унвонларига эга бўлди.

Академия жамоаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг илмий-техник дастурлари доирасида **3 та** илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга ошириб муваффақиятли якунлади.

Профессор-ўқитувчилар томонидан **300 дан ортиқ**, докторант ва изланувчилар томонидан эса **500 га яқин** илмий мақолалар чоп этилди.

ОАКнинг илмий нашрлари рўйхатига киритилган **“Бош прокуратура Академиясининг Ахборотномаси”** илмий-амалий журнаlining 4 та сони нашрдан чиқарилди.

Академия идоралараро ҳамкорлик доирасида бир неча ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти ва бошқа идоралар билан меморандум имзоланди.

Ўтган давр ичида ўқув жараёнига хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг малакали мутахассисларини жалб қилиш, халқаро лойиҳа ва дастурларда иштирок этиш, ходимлар ва тингловчиларнинг хорижий малака ошириши ва стажировкаларини ташкил қилиш, ҳуқуқ соҳасидаги мутахассисларнинг ўзаро тажриба алмашишлари учун халқаро платформани яратиш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келинди.

Бу борада белгиланган мақсадларга эришиш ва мазкур вазифаларни амалга ошириш учун Академия томонидан бугунги кунга қадар дунёнинг **27 та** етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан **англашув меморандумлари, аҳдлашув баённомалари, ҳамкорлик режалари ва дастурлари** имзоланди.

Халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги фаолият давом эттирилиб, халқаро академик ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан **5 та** янги ҳамкорлик ва ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

Ўқув жараёнига Академия профессор-ўқитувчилари билан бирга, Швециянинг Лунд университети профессори **Хильдур Виола**, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти эксперти **Ирина Нуримова**, коррупцияга қарши курашиш борасида **халқаро экспертлар Горан Клеменчич ҳамда Мартин Кройтнер** фаол жалб этилди.

Академия томонидан амалга ошириб келинаётган халқаро ҳамкорлик фаолияти доирасида эришилган келишувларга асосан академик мобиллик янада ривожланди. Хусусан, магистратуранинг 2 нафар тингловчиси ўқув йилининг 2-семестрини (январь-апрель) **Лунд университетининг Ҳуқуқ социологияси факультетида** давом эттириб, семестр якунида Лунд университети томонидан белгиланган ўқув дастурини юқори баҳолар билан тўлиқ муваффақиятли тамомлаб, **30 кредит** олишга муваффақ бўлдилар.

Прокуратура органларига жинойтларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганишда яқиндан ёрдам бериш мақсадида ҳар ой якунига кўра республика бўйича жинойт турлари бўйича жинойтчилик таҳлили ўтказилиб, маълумот ва слайдлардан иборат тўплам

(дайджест) ишлаб чиқилиб, услубий таклифлар илова қилинган ҳолда ҳудудларга ва тегишли таркибий тармоқларга тақдим этилмоқда.

Идоравий ҳамкорликни кучайтириш ҳамда амалиёт билан уйғунликни таъминлаш мақсадида Бош прокуратура тегишли бошқармаси томонидан ўрганиш учун берилган **100 дан ортиқ** жиноят ишлари ўрганилиб, хулосалар тақдим этилди.

Бош прокуратуранинг тегишли бошқармалари ҳамда Ички ишлар вазирлиги навбатчилик қисмидан олинган оператив маълумотлар (кунлик жиноятчилик аҳволи) асосида 2022 йил давомида жиноятчилик аҳволи юзасидан **10 дан ортиқ** таҳлилий маълумотномалар тайёрланди.

Жиноятчилик ҳолатини узлуксиз мониторинг қилиш салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида **Япония Адлия вазирлиги** ва **Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси** қўшма ишчи гуруҳининг учрашуви давомида ҳуқуқбузарликларни олдини олишда сунъий интеллектни қўллаш масалалари муҳокама қилинди.

БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг (UNODC) Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда Фарғона водийсида **“Ёшлар – ижтимоий уйғунлик учун”** лойиҳаси амалга оширилди.

Лойиҳа **БМТ агентликлари (UNDP, UNODC и UNESCO)** томонидан имзоланган **“Фарғона водийсида ёшларнинг ижтимоий мослашуви”** Иш режаси асосида амалга оширилди. Лойиҳа UNODC томонидан тўлиқ молиялаштириб келинди. Мазкур лойиҳа доирасида Фарғона водийсида аҳолининг виктимлаштириш масалалари ўрганилди.

Шунингдек “Фарғона водийсида ёшларнинг ижтимоий мослашуви” Иш режаси асосида ҳудуддаги барча ёшларларнинг ижтимоий мослашуви ўрганилди.

Академия ва ЕХХТ Ўзбекистондаги лойиҳалари координаторининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида чуқур ва яширин Интернет тармоқларида ишлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг амалий кўникмаларини шакллантиришга, шунингдек, тегишли рақамли далилларни қидириш ва қайд этишга ёрдам берувчи республикада илк **Dark Web ўқув лабораторияси** ташкил этилди.

Лаборатория замонавий компьютер ва тармоқ ускуналари, жумладан, Интернет тармоғининг яширин сегментида ишлаш учун зарур дастурий таъминот билан таъминланган.

Бу Академиянинг жиноятчиликка, жумладан, кибержиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий технологияларини ўрганиш, кибермакондаги замонавий чақириқ ва таҳдидларга фаол жавоб бериш билан боғлиқ услубий ва таҳлилий фаолияти бўйича салоҳиятини сезиларли даражада кучайтирди.

Янги очилган **Dark Web лабораторияси** негизда криптовалюталар ва Darknet тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларни тергов қилиш бўйича тренинглар туркуми бошланди.

Академияда ўқув жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида бир қатор дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Хусусан, Академиянинг **ProAcademy** ахборот-таълим портали такомиллаштирилиб, порталнинг **2.1 версияси** ишга туширилди.

Мазкур портал имкониятларини кенгайтирилиб, шу жумладан **9 та** янги дастурий модуль жорий этилди.

Академия Ғарбий ва Марказий Осиё давлатларининг активларни қайтариш бўйича идоралараро тармоғининг (ARIN-WCA) доимий фаолият юритувчи **Котибияти** вазифасини бажариб келмоқда.

ARIN-WCA Котибияти томонидан 2019–2022 йиллар давомида **10 га** яқин **Бошқарув гуруҳи аъзоларининг йиғилиши**, ҳамда **4 маротаба** тармоққа аъзо давлатларнинг кенгайтирилган **Умумий йиллик йиғилишлари** ўтказилди.

Жумладан, ARIN-WCA Бошқарув гуруҳи аъзоларининг (Покистон, Туркменистон, Эрон ва Ўзбекистон) навбатдаги йиғилиши **2022 йил 25 июнда** Бош прокуратура Академиясида ўтказилиб, унда тармоқни самарали бошқариш билан боғлиқ ташкилий масалалар, келгусидаги вазифалар, лойиҳалар ва режалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги **“Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”**ги Фармонида асосан Бош прокуратура Академияси негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил этилиб, жиноятларни тергов қилиш соҳасида кадрларни **амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда ягона ёндашув асосида** тайёрлашга қаратилган **узлуксиз ўқув тизими** йўлга қўйилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** бакалавриятнинг **“Тергов фаолияти”** ҳамда **юриспруденциянинг бошқа бакалаврият таълим йўналишларида** юридик кадрларни тайёрлаш жорий этилиши назарда тутилди.